

ҳажми ошишига, балки уларнинг сифатини маҳсулот етиштирилишига эришилади. кўтарилишига, ҳамда экспортга бардошли

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони.
2. Кувайскова, Юлия Евгеньевна Эконометрика : учебное пособие / Ю. Е. Кувайскова. – Ульяновск : УлГТУ, 2017. – 166 с.
3. Кремер Н.Ш., Путко Б.А. Эконометрика: Учебник для вузов / Под ред. проф. Н.Ш. Кремера. – М.: ЮНИТИ – ДАНА, 2002. – 58 с.
4. Учебник / Под ред. И.И.Елисеевой. – М.: Финансы и статистика, 2002г. – 344 с.
5. Михеева Е.Н., Сероштан М.В. Управление качеством, 2-е изд., М., 2012г.
6. Aziz Karimov. Economic inefficiency and shadow prices of inputs: The case of vegetable growing farms in Uzbekistan// International Conference on Applied Economics (ICOAE) 2013, Procedia Economics and Finance 5 (2013) 403 – 412, ScienceDirect, Available online at www.sciencedirect.com
7. Pittawat Ueasangkomsate, Alisara Jangkot. Enhancing the innovation of small and medium enterprises in food manufacturing through Triple Helix Agents// Kasetsart Journal of Social Sciences, 40 (2019) 380–388. journal homepage: <http://kjss.kasetsart.org>
8. Silverio Alarcon, Mercedes Sanchez. Is there a virtuous circle relationship between innovation activities and exports? A comparison of food and agricultural firms// Contents lists available at Science Direct, Food Policy.: 61(2016) 70-79. journal homepage: www.elsevier.com/locate/foodpol
9. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумотлари, www.agro.uz
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари, www.stat.uz

ЎЗБЕКИСТОН ХУДУДЛАРИ ИҚТИСОДИЙ КўРСАТКИЧЛАРИНИНГ PANEL МАЪЛУМОТЛАРИ ТАҲЛИЛИ

PANEL ANALYSIS OF ECONOMIC INDICATORS OF THE REGIONS OF UZBEKISTAN

ПАНЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ ЭКОНОМИЧЕСКИХ ПОКАЗАТЕЛЕЙ РЕГИОНОВ УЗБЕКИСТАНА

Юлдашев Элдор Илхомжонович –

Тошкент давлат иқтисодиёт университети Статистика кафедраси таянч докторанти,
Ўзбекистон,

Юлдашева Ниҳола Тохир қизи –

Тошкент давлат иқтисодиёт университети магистранти,
Ўзбекистон

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистонда экспорт ва унга таъсир қилувчи омиллар ўртасидаги боғланишлар ўрганилиб, таҳлил Panel моделида амалга оширилган. Ўзбекистон ҳудудларининг 2017-2020 йилларда Ялпи ҳудудий маҳсулоти, импорт ҳажми, саноати, асосий капиталга инвестицияларнинг экспортга таъсири ўрганилиб, экспорт ҳажмининг келгуси даврлардаги ўсиш динамикаси прогнози ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: Ташқи савдо, экспорт, импорт, саноат, ташқи савдо статистикаси, статистик таҳлил, эконометрик модел, Panel модел.

Abstract: In this article, the links between exports and factors affecting them in Uzbekistan were studied, and the analysis was carried out in a panel model. The influence of the gross regional product, the volume of imports, industry, investments in fixed assets on exports in 2017-2020 of the regions of Uzbekistan was studied, and a forecast of the dynamics of export volume growth in the coming periods was developed.

Keywords: Foreign trade, export, import, industry, statistics of foreign trade, statistical analysis, econometric model, Panel model.

Аннотация: В этой статье рассматриваются связи между экспортом и факторами, влияющими на него в Узбекистане, и проводится в рамках модели панели анализа. В 2017-2020 годах было изучено влияние валового регионального продукта регионов Узбекистана, объемов импорта, промышленности, инвестиций в основной капитал на экспорт, разработан прогноз динамики роста объемов экспорта в будущие периоды.

Ключевые слова: Торговый анализ, экспорт, импорт, промышленность, торговый анализ статистика, статистический анализ, эконометрический модель, панель модель

Кириш. Жахонда ташқи савдо жараёнларини ривожланиши мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий алоқаларни янада яхшилаши билан бирга, аҳоли фаровонлигига таъсир қилувчи бошқа омил тармоқларнинг ҳам бевосита ривожланишига катта таъсир қилмоқда. Жахонда мамлакатларнинг импортни чеклаш ва экспортни рағбатлантириш орқали жуда катта иқтисодий нафга эга бўлиши сир эмас. Ташқи савдога, асосан, инфляция, миллий даромад, ҳукумат томонидан олиб борилаётган сиёсат, экспортга имтиёзлар (имтиёзли кредит ва ҳукумат субсидиялари) импортга чекловлар, жиноятчиликка чекловларни мавжуд эмаслиги, валюта курси каби омиллар таъсир қилади. Мамлакатимизда экспортни ривожлантириш учун амалга оширилаётган чора-тадбирлар сифатида **“Республика ҳудудлари ва хорижий мамлакатлар бизнес вакиллари ўртасида ташқи иқтисодий алоқаларни ўрнатиш, ташқи савдо йўналишларини диверсификация қилиш орқали экспорт ҳажмлари ва географиясини кенгайтириш, экспорт салоҳиятини келгуси 3 йилда яна 1 млрд. АҚШ долларига ошириш чораларини кўриш, “Янги Ўзбекистон – рақобатбардош маҳсулотлар юрти”** ғояси асосида 200 та экспортчини очиқ танлов асосида саралаб, уларни етакчи экспортёрларга айланттириш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, қўшни давлатлар билан чегара ҳудудларда эркин савдо зоналари фаолиятини йўлга қўйиш” [1] келгусида экспорт ҳажмини янада барқарор ўсишини таъминлайди.

Ҳукумат томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирларни келгусидаги натижаларини олдиндан таҳлил қилиб, ташқи

савдо бўйича прогнозларни амалга ошириш илмий изланишларимизни амалий жиҳатдан аҳамиятини ошириши билан бир қаторда, мамлакат ривожига маълум даражада хисса қўшишини кўзлайди.

Ташқи савдога оид маълумотларга зарурий статистик “ишловлар” берилгандан сўнг “истеъмолга тайёр” бўлган маълумотлар маълум бир ҳисоботлар шаклида ўз “истеъмолчилари”га етказилади. Ўзбекистон Республикасида ташқи савдога оид ҳисоботларни шакллантиришда, аввало, ахборот манбаларидан статистика маълумотлари йиғилади.

“Статистика маълумотлари ўзи нима”? Статистика маълумотлари – статистика кузатувлари натижасида ва (ёки) маъмурий маълумотлар асосида тайёрланган иқтисодий, демографик, ижтимоий, молиявий, экологик хусусиятга ҳамда бошқа хусусиятга эга ахборотлардир [2]. Расмий статистиканинг қуйидаги принциплари мавжуд:

- мустақиллик;
- тушунарлилик ва шаффофлик;
- аниқлик ва ишончлилик;
- беғаразлик ва холислик;
- статистик махфийлик;
- долзарблик.

Юқоридаги принциплар асосида зарурий ахборотлар билан таъминлаш статистика соҳасини энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Бу орқали иқтисодий тармоқлар учун стратегик ва оператив қарорлар қабул қилишнинг натижаларини самарадорлигини ошишига олиб келади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. **Panel маълумотларини вақтли қаторлар ва ке-**

сишувчи маълумотлар таҳлиллари билан биргаликда таҳлилни амалга оширилади. Вақтли қаторлар ва кесишувчи маълумотлар ўлчовларини бирлаштирган.

“Panel маълумотлар хусусий характердаги маълумотлар билан таъминлайди, кесишувчи маълумотлар ва вақтли қаторларга эга ҳисобланади. Panel маълумотлар таҳлили T давр мобайнидаги N та кузатувларни ўз ичига олади”[3].

Ани Катчова [4] Panel маълумотларни қуйидаги турларга бўлган:

- Қисқа панел: кўп кузатувлар сони ва кам вақтли қаторлар;
- Узун панел: кўп вақтли қаторлар ва кам кузатувлар сони;
- Биргаликдаги панел: кўп вақтли қаторлар ва кўп кузатувлар сони.

Маълумотлар панелининг умумий модели [5] қуйидаги формулада келтирилган:

$$y_{it} = \alpha + \beta'X_{it} + u_{it},$$

$$u_{it} = \mu_i + v_{it}.$$

$$X_{it}, i = 1, \dots, N, t = 1, \dots, T.$$

μ_i -вақтга қараб ўзгариб турадиган индивидуал хусусиятга эга, вақт ўзгармас таъсиридир.

v_{it} -вақт ўзгарувчан тасодифий компонент.

Оҳирги ўн йилликда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, ҳам ички ҳам ташқи тарафдан, экспорт ва импортни дунё бўйича сезиларли даражада, асосан, иқтисодий интеграция туфайли, ўсди” [6]

Испаниялик иқтисодчи олимлар Адолфо Маза ва Паула Гутеиеррез-Портилла [7] ўзларининг панел маълумотлар моделлари бўйича илмий изланишларини олиб бориш жараёнини, асосан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар билан экспорт ўртасидаги боғлиқлик бўйича жуда кенг қамровли назарий асослар ва бу бўйича қисқача эмпирик тадқиқотлар ўтказган ва улар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар узоқ муддатли истиқболда экспортга ижобий ва статистик жиҳатдан кичик бўлса ҳам таъсир қилади, бу эса тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар вертикал мотивациясига мос келишини исботлаб беришган.

Шу билан бирга, франциялик иқтисодчи олимлар Геоффрей Барровс ва Елена Олливиер[8]лар ривожланган давлат экс-

портининг атроф муҳитга таъсирини аниқлаш бўйича Ҳиндистон мисолида илмий изланишлар олиб борган. Улар ички савдонинг ўсиши ошганлиги ва ташқи талабнинг ўсиши билан атроф муҳитга CO₂ ажралишини интенсивлигининг ошиши камайганлиги, ривожланаётган мамлакатлардан экспортнинг ўсишини атроф-муҳитга таъсири ҳақида билиш учун етарли эмаслигини кўрсатиб берган.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан Д. Расулов ва бошқалар [9] эконометрикада маълумотларни қуйидаги турларга бўлинишини кўрсатиб ўтганлар:

- Фазовий маълумотлар (cross-sectional data);
- Вақтли қаторлар (time-series data);
- Панел маълумотлар (panel data).

Улар [10] панел маълумотлари – бу фазовий маълумотлар ва вақтли қаторлар комбинациясидан ташкил топган маълумотлардир. Panel маълумотлар битта ва бир неча объектлар бўйича маълумотларнинг кетма-кет вақт давомидаги тўплами эканлигини айтиб ўтганлар. Шу билан бирга, Н. Сафарова [11] томонидан 141 давлат бўйича 2011 – 2020 йилларда Ижтимоий тараққиёт индекси ва жон бошига ЯИМ, ишсизлик даражаси, инфляция, пул ўтказмалари каби макроиқтисодий кўрсаткичларни панель таҳлилининг стандарт усуллари (қатъий эффектлар ва тасодифий эффектлар)да баҳолаган ва Хаусман спецификацияси тести ўтказган.

Тадқиқот методологияси.

Ушбу мақолани ёзишда статистик кузатиш, гуруҳлаш усуллари, мутлоқ, нисбий ва ўртача миқдорлар, график, корреляцион ва регрессион таҳлил, таққослама таҳлил, назарий ва амалий ўрганиш, математик-статистика ва эконометрика усуллари қўлланилган. Шу билан бирга, Ўзбекистонда экспорти ва унга таъсир қилувчи омиллар Panel маълумотлар модели ёрдамида таҳлил қилинган.

Таҳлил ва натижалар

Биз Panel таҳлилни 2017–2021 йилларда Ўзбекистонда ҳудудлар кесимида ялпи ҳудудий маҳсулот, саноат, экспорт, импорт, асосий капиталга инвестицияларнинг ўтган йилга нисбатан фоизларда ўсиши бўйича амалга оширганмиз (1-жадвал¹).

¹ Stat.uz сайт маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

2017-2021-йилларда ҳудудлар кўрсаткичларининг ўзгариши, ўтган йилга нисбатан %да

Ҳудудлар	ЯҲМ		Саноат		Экспорт		Импорт		Инвестиция	
	2017	2021	2017	2021	2017	2021	2017	2021	2017	2021
Қорақалпоғистон	118,70	107,40	142,40	107,40	400,20	115,40	104,40	135,30	57,80	102,10
Андижон	106,70	104,70	125,80	98,60	149,40	167,60	143,20	98,90	99,60	115,30
Бухоро	101,70	106,20	100,80	100,10	76,00	134,70	147,90	129,20	151,70	136,40
Жиззах	102,40	107,00	102,70	110,20	96,00	158,30	160,50	48,50	103,10	104,00
Қашқадарё	103,10	107,60	106,40	115,30	94,70	138,40	86,70	112,90	123,50	72,70
Навоий	101,30	107,20	100,90	107,00	85,00	119,20	120,90	74,20	78,80	93,40
Наманган	104,20	109,10	107,30	117,90	123,50	130,00	106,70	120,60	127,00	108,10
Самарқанд	102,80	108,80	104,50	110,80	99,50	158,30	116,90	120,20	89,90	112,00
Сурхондарё	103,70	107,80	92,30	111,40	106,10	110,20	177,30	102,10	138,50	103,20
Сирдарё	97,70	110,20	86,90	118,50	126,60	130,90	104,90	100,00	101,50	116,40
Тошкент вил.	103,10	110,70	105,30	112,60	127,00	112,60	98,40	117,10	96,40	119,10
Фарғона	104,00	108,00	104,30	108,50	129,30	144,00	85,00	114,00	96,20	108,20
Хоразм	104,50	109,20	115,50	117,20	125,80	136,10	109,60	95,40	113,90	144,20
Тошкент ш.	108,00	114,10	109,20	113,90	105,60	130,00	102,50	133,90	103,70	104,00

Юқоридаги жадвалдан кўринадиким, 2017 йилда Қорақалпоғистон Республикаси асосий капиталга йўналтирилган инвестицияларни истисно қилганда, барча кўрсаткичлар бўйича ҳудудлар миқёсида етакчилик қилиб келган. 2021 йил бўйича турли ҳудудлар ўсиш динамикаси бўйича етакчилик қилганлигини

кўришимиз мумкин бўлади.

Panel маълумотлар таҳлилини Ўзбекистон ҳудудларининг 2017-2021 йиллар давомида экспорт, импорт, ЯҲМ (ялп ҳудудий маҳсулот), тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар бўйича кўрсаткичлари олиниб, улар Stata дастури ёрдамида таҳлил қилинди (2-расм).

```
id: 1, 2, ..., 14          n = 14
t: 1, 2, ..., 5          T = 5
Delta(t) = 1 unit
Span(t) = 5 periods
(id*t uniquely identifies each observation)
```

```
Distribution of T_i:  min  5%  25%  50%  75%  95%  max
                    5      5      5      5      5      5
```

Freq.	Percent	Cum.	Pattern
14	100.00	100.00	11111
14	100.00		XXXX

2-расм. Stata дастури ёрдамида тузилган панел маълумотлар бўйича тасвирий статистик маълумот².

Юқоридаги 2-расмдан, Ўзбекистоннинг 14 ҳудудида охириги 5 йил кўрсаткичлари олинган.

Юқорида келтирилган кўрсаткичларни Stata дастури ёрдамида логарифмлаш орқали қуйидаги натижага эга бўлдик (3-расм):

Variable	Mean	Std. Dev.	Min	Max	Observations
id overall	7.5	4.060235	1	14	N = 70
between		4.1833	1	14	n = 14
within		0	7.5	7.5	T = 5
t overall	3	1.424425	1	5	N = 70
between		0	3	3	n = 14
within		1.424425	1	5	T = 5
lexp overall	4.729262	.2710944	3.983413	5.991964	N = 70
between		.080337	4.608175	4.865408	n = 14
within		.2596388	4.088763	5.855818	T = 5
lgdp overall	4.654825	.0332296	4.581902	4.776599	N = 70
between		.0147565	4.631372	4.685468	n = 14
within		.0299846	4.589416	4.752712	T = 5
lindst overall	4.683721	.0830499	4.464758	5.048573	N = 70
between		.0405842	4.634583	4.77336	n = 14
within		.0731143	4.501432	4.958934	T = 5
limp overall	4.752185	.3755651	3.725693	5.618587	N = 70
between		.0680275	4.634745	4.899434	n = 14
within		.3697156	3.734315	5.659567	T = 5
linvest overall	4.73577	.2695543	3.919991	5.426711	N = 70
between		.1150391	4.545873	4.926099	n = 14
within		.2453421	4.067111	5.278727	T = 5

3-расм. Кўрсаткичларни Stata дастурида логарифмлаш.³

² stat.uz расмий сайт маълумотлари асосида Stata дастурида муаллиф томонидан тузилган.

³ Stat.uz расмий сайт маълумотлари асосида Stata дастурида муаллиф томонидан тузилган.

Юқоридаги 3-расмдан логарифмлаш натижасида ўрганилаётган 5 та кўрсаткич бўйича олинган натижаларнинг ўртачалари, стандарт четланиш, минимум ва максимум кўрсаткичлари ва кузатувлар бўйича маълумотлар алоҳида келтирилганлигини кўришимиз мумкин.

Регрессион таҳлил натижаларини қуйидаги 4-расмда кўришимиз мумкин бўлади:

Source	SS	df	MS	Number of obs	=	70
Model	.921550874	4	.230387718	F(4, 65)	=	3.61
Residual	4.14940976	65	.063837073	Prob > F	=	0.0102
				R-squared	=	0.1817
				Adj R-squared	=	0.1314
Total	5.07096064	69	.073492183	Root MSE	=	.25266

lexp	Coef.	Std. Err.	t	P> t	[95% Conf. Interval]
lgdp	3.161116	1.245865	2.54	0.014	.6729515 5.64928
lindst	.2073243	.4920747	0.42	0.675	-.7754166 1.190065
limp	.0156276	.0996601	0.16	0.876	-.1834074 .2146626
linvest	.0354464	.1399188	0.25	0.801	-.2439907 .3148835
_cons	-11.19836	4.741827	-2.36	0.021	-20.66844 -1.728277

4-расм. Регрессион таҳлил натижалари.⁴

4-расмдаги жадвалдаги маълумотларасида моделмизни қуйидаги формула кўришида ёзишимиз мумкин:

$$lgexp = 3.16lgdp + 0.21lindst + 0.01limp + 0.03linvest \quad (5)$$

Моделмиздан ЯХМ, саноат, импорт ва тўғридан тўғри хорижий инвестицияларнинг бир бирликка ортиши экспортни, мос равишда, 3.16, 0.21, 0.01 ва 0.03 бирликка ортишига олиб келишини кўришимиз мумкин бўлади.

lexp	Coef.	Std. Err.	t	P> t	[95% Conf. Interval]
lgdp	-1.143896	1.924001	-0.59	0.567	-5.49629 3.208497
lindst	1.712063	.6914023	2.48	0.035	.1400024 3.276124
limp	.0307856	.3118135	0.10	0.924	-.6745856 .7361568
linvest	-.0690549	.2092286	-0.33	0.749	-.5423629 .4042531
_cons	2.215803	7.716798	0.29	0.781	-15.24081 19.67241

⁴ Stat.uz расмий сайт маълумотлари асосида Stata дастурида муаллиф томонидан тузилган.

⁵ Stat.uz расмий сайт маълумотлари асосида Stata дастурида муаллиф томонидан тузилган.

lexp	Coef.	Std. Err.	t	P> t	[95% Conf. Interval]
lgdp	4.190128	1.474733	2.84	0.006	1.230859 7.149396
lindst	-.2375354	.6079647	-0.39	0.698	-1.457596 .982435
limp	.0432414	.1115708	0.39	0.701	-.1814444 .2679272
linvest	-.0247247	.1701991	-0.15	0.885	-.3662541 .3168047
_cons	-13.7509	5.509199	-2.50	0.016	-24.80592 -2.695883

sigma_u	.08526712
sigma_e	.26852499
rho	.0915953 (fraction of variance due to u_i)

F test that all u_i=0: F(13, 52) = 0.43 Prob > F = 0.9528

Source	SS	df	MS	Number of obs	=	70
Model	1.8247004	4	.4561751	Prob > F	=	0.0046
Residual	7.2504199	65	.1100065	R-squared	=	0.1993
Total	9.0751203	69	.1315133	Adj R-squared	=	0.1389
				Root MSE	=	.33358

Source	SS	df	MS	Number of obs	=	70
Model	1.8247004	4	.4561751	Prob > F	=	0.0046
Residual	7.2504199	65	.1100065	R-squared	=	0.1993
Total	9.0751203	69	.1315133	Adj R-squared	=	0.1389
				Root MSE	=	.33358

lexp	Coef.	Std. Err.	t	P> t	[95% Conf. Interval]
lgdp	4.179639	1.445845	2.89	0.006	1.278159 7.080759
lindst	-.4700536	.5709849	-0.71	0.483	-1.640438 .6997302
limp	.1733045	.1208309	1.36	0.181	-.0029023 .3484444
linvest	-.1510355	.1809026	-0.81	0.421	-.5121063 .2099253

sigma_u	0
sigma_e	.26852499
rho	0 (fraction of variance due to u_i)

Wald chi2(4) = 14.44 Prob > chi2 = 0.0060

lexp	Coef.	Std. Err.	z	P> z	[95% Conf. Interval]
lgdp	3.161116	1.245865	2.54	0.011	-.7192652 5.602956
lindst	.2073243	.4920747	0.42	0.674	-.7571243 1.171773
limp	.0156276	.0996601	0.16	0.875	-.1797026 .2109578
linvest	.0354464	.1399188	0.25	0.800	-.2387894 .3096822
_cons	-11.19836	4.741827	-2.36	0.018	-20.49217 -1.90455

6-расм. Модел параметрлари⁵.

Натижа. Юқоридаги жадваллардан олинган маълумотлар асосида Ўзбекистон ҳудудлари бўйича 2017-2021 йиллар мобайнида ўрганилаётган кўрсаткичларни Panel маълумотлар модели ёрдамида таҳлил қилиш натижасида биз қуйидаги жадвалга эга бўламиз (5-жадвал).

5-жадвал. Panel маълумот моделидан олинган натижа.

log exp	Pooled OLS regression	Between	Within or fixed effects	First differences	Random effects
lgdp	3.16 (2)	-1.14 (-0.5)	4.19 (2)	4.17 (2)	3.16 (2)
lindst	0.2 (0.4)	1.71 (2)	-0.23 (-0.3)	-0.47 (-0.7)	0.2 (0.4)
limp	0.01 (0.1)	0.03 (0.1)	0.04 (0.3)	0.17 (1.4)	0.01 (0.2)
linvest	0.03 (0.2)	-0.06 (-0.3)	-0.02 (-0.1)	-0.15 (0.4)	0.03 (0.2)
Constant	-11.20 (-2)	2.21 (0.2)	-13.75 (-2)	no constant	-11.19 (-2)
R2	0.18			0.19	
R2-within		0.02	0.19		0.18
R2-between		0.52	0.07		0.20
R2-overall		0.05	0.17		0.18
Sigma u(2)			0.08		0
Sigma e			0.27		0.26
Rho			0.09		0
Theta (λ)					0

Юқоридаги 5-жадвал маълумотларидан экспорт ҳажмини ортишида ялпи ҳудудий маҳсулотнинг таъсири қолган омилларга қараганда юқори эканлигини кўришимиз мумкин бўлади. Шу билан бирга, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар ва экспортни ривожлантириш учун кўрилатган чора-тадбирлар натижасида мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудуди ўзининг хусусиятларидан келиб чиқиб ривожланишнинг янги босқичига қадам қўймоқда. Шу ўринда, мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини ортишида экспортни ўрни беқиёслиги сабабли уни ривожлантириш учун янги транспорт-логистика йўналишлари очиш чоралари ишлаб чиқилмоқда. Буларнинг барчаси, албатта, келажакда мамлакатимиз аҳолисининг фаровонлигига хизмат қилади.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса сифатида, мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш учун экспортни ривож-

лантириш ва маҳаллийлаштириш дастурларини изчиллик билан амалга ошириш валюта, ишсизлик каби иқтисодий барқарорликка таъсир қилувчи муаммоларни ҳал қилинишида энг муҳим омиллардан бири бўлади. Ташқи савдо учун мамлакатимизнинг жаҳон бозорига чиқишида кенг кўламли ишларни амалга оширилиши сифатида статистика ва бухгалтерия тизимларини тубдан ислоҳ қилиниши ва бу орқали хорижий инвесторларга зарурий маълумотларни етказиб берилишига эришилиши мамлакатимизда иқтисодий шаффоликни таъминлаш йўлидаги қилинаётган асосий ишлар сифатида қарашимиз мумкин бўлади. Шу сабабли, экспортга таъсир қилувчи омилларни чуқур ўрганиб, улар устида илмий тадқиқотлар ўтказиш ва олинган натижаларни амалиётга кенг жорий қилиш зарур ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги Фармони. ПФ-60-сон, 2022 йил 28 январ. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2022 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Расмий статистика тўғрисида”ги Қонуни. <https://lex.uz/docs/5569619>
3. Ani Katchova. Panel Data Models. <https://www.sites.google.com>
4. Ani Katchova. Panel Data Models. <https://www.sites.google.com>
5. https://uz.wikinlu.ru/wiki/Panel_analysis
6. Martínez-Martín, J., 2010. On the Dynamics of Exports and FDI: the Spanish Internationalization Process. IREA WP Series 2010/10.
7. Adolfo Maza, Paula Gutierrez-Portilla. Outward FDI and exports relation: A heterogeneous panel approach dealing with cross-sectional dependence. International Economics. Universidad de Cantabria, Avda. Los Castros, Santander, Spain.
8. Geoffrey Barrows, Hélène Ollivier. Foreign demand, developing country exports, and CO2 emissions: Firm-level evidence from India. International Economics. Journal of Development Economics 149 (2021) 102587.
9. Rasulev D., Nurullaeva Sh., Ro‘zmetova N., Muminova M. Ekonometrika asoslari. O‘quv qo‘llanma. –Т.: Iqtisodiyot, 2019. – 248 bet.
10. Rasulev D., Nurullaeva Sh., Ro‘zmetova N., Muminova M. Ekonometrika asoslari. O‘quv qo‘llanma. –Т.: Iqtisodiyot, 2019. – 248 bet.
11. Нилуфар Сафарова. Ижтимоий тараққиёт ва макроиқтисодий омиллар: таъсирни баҳолаш. Иқтисодиёт: таҳлиллар ва прогнозлар журналы. Тошкент 2021 й.
 11. www.stat.uz сайт маълумоти асосида муаллиф томонидан тайёрланган.
 12. www.stat.uz сайт маълумоти асосида Stataда муаллиф томонидан тузилган.
 13. www.stat.uz сайт маълумоти асосида Stataда муаллиф томонидан тузилган.
 14. www.stat.uz сайт маълумоти асосида Stataда муаллиф томонидан тузилган.
 15. www.stat.uz сайт маълумоти асосида Stataда муаллиф томонидан тузилган.
 16. <https://www.unescap.org/publications/studies-trade-investment-and-innovation-no-93-outward-foreign-direct-investment-and4>